

НУТҚ МОҲИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ МУҲИМ ВОСИТА

Азиза Хасановна Арипова

PhD, ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали Умумтаълим фанлар кафедраси
мудири в.б.

АННОТАЦИЯ

Фанлар методологиясида нотиқлик мураккаб соҳа бўлиб, ҳам санъат сифатида, ҳам фанларнинг бир йўналиши сифатида ўрганилган. Мазкур мақолада мазкур соҳанинг ҳам ижтимоий йўналиши, хусусиятлари ҳамда лисоний аспекти моҳиятан ёритилган. Нотиқлик масаласи ҳамда уни лисоний-услубий хусусиятларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш услубият ҳамда психолингвистика, лингвокультурология ва нутқ маданияти фанларининг назарий элементларини қамраб олган бўлиб, нотиқликнинг лисоний-услубий амалиёти устида тадқиқотлар ҳамиша кенг оммани қизиқтириб келган. Нотиқлик санъатининг ўзига хос лисоний бирликлари, воситалари тарихи, айнан, нотиқлик маҳоратини юзага келтирувчи унсурлари тадқиқ остига олинган.

Калит сўзлар: жонли сўз, таъсирчан нутқ, нотиқлик, санъат, нотиқликнинг лисоний-услубий воситалари, нутқ сўзлаш илми.

AN IMPORTANT TOOL THAT ORGANIZES THE NATURE OF SPEECH

Aziza Khasanovna Aripova

PhD, Acting head of the department of General education sciences at the specialized branch of TSUL

ABSTRACT

In the methodology of sciences, oratory is a complex field that has been studied both as an art and as a branch of science. This article describes the social direction, features and linguistic aspects of this field. The study of oratory and its linguistic and methodological features covers the theoretical elements of methodology and psycholinguistics, linguoculturology and speech culture, and research on the linguistic and methodological practice of oratory has always been of great interest to the general public. The specific linguistic units of the art of oratory, the history of the means, namely, the elements that form the art of oratory are studied.

Keywords: live speech, expressive speech, oratory, art, linguistic-methodological means of oratory, speech science.

КИРИШ

Нотиқлик – чиройли ва таъсирчан нутқ сўзлаш илми, бадий етук сўзланган нутқ санъатидир. Нотиқлик санъати, нутқ маданияти масалалари кишиларни қадимдан қизиқтириб келган. Жонли сўзнинг бекиёс қудратидан баҳраманд бўлиш ўзбек халқининг хислатларидан биридир. Нотиқлик санъати равнақ топган маскан Юнонистондир, аммо қадимги Миср, Вавилон, Оссурия, Ҳиндистон каби мамлакатларда ҳам бу масалага қизиқиш катта бўлган. Ўз даврида давлат арбобларининг юқори лавозимларни эгаллаши уларнинг қанчалик нотиқ эканлиги, нотиқлик маҳорати билан белгиланган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жонли, мазмунан теран сўзнинг таъсирчанлиги унинг кишиларга завқ беради олишида намоён бўлади. Ёзма адабиётнинг илк намуналаридан то шу кунчага яратилиб келинган ва келинаётган асарларнинг деярли барчасида сўзнинг буюк қудрати мадҳ этилади:

*«Жисм бўстонига шажар сўздур,
Рұх ашжорига самар сўздур»*

(А.Навоий).

Тўғри ва яхши ёзиш, чиройли гапириш учун мантиқий фикрлаш лозим. Нутқ маданиятини эгаллаган киши тўғри фикр юритиб, тингловчиларга таъсир эта олади. Санъатшунос Л.Хўжаеванинг фикрича, «нутқ маданияти - фикр маданияти» демакдир, миллий ўзига хос, фикрлари аниқ, грамматик тўғри тузилган, мантиқий мунтазам ва бадий ифодали нутқгина маданийдир [1].

Нотиқнинг сўзи тингловчиларни руҳлантира олиши керак. Нотиқнинг нутқ маданиятини эгаллаганлиги унинг таъсирли сўзида намоён бўлади.

Қадимги юонлар нутқнинг чиройли, мазмундор бўлишига ҳаракат қилганлар, маҳсус нотиқлик мактаблари очилган ва уларда нотиқлик санъатини ўргатувчи «риторика» фани ўқитилган.

Риторика фанининг яравтувчиси юонон олимни Коракс бўлиб, унинг фикрича, риторика «ишонтирувчи хизматкордир».

Нотиқликнинг асосий фазилати исбот қилиш ва ҳақиқатни қарор топтиришдадир. Қадимги Юнонистонда нотиқлик санъатини адабий жанр даражасига кўтарган ва илмий тус берган кишилар софистлар (юн. донолик сўзидан.) бўлган.

Кенг билимли, сўзга чечан одамлар софистлар бўлган. Улар нотиқлик санъатининг асосчилари ҳисобланади. Софистлар –«донишмандлик ва фасоҳат» муаллимлари сифатида нотиқлик қилувчи қадимги юонон файласуфлари. Софистлар нотиқликнинг мазмуний кўринишларидан моҳирона фойдаланиб,

оммага, тингловчиларга таъсир қилишда уларга етадиганлари бўлмаган. Улар сўз қимматини хар қадамда таъкидлаб ўтганлар. Нутқ (логос)ни ўрганиш обьекти бўлмиш риторикани – «барча санъатлар маликаси» деб билишган.

Инсоннинг кимлиги унинг икки жиҳати – хатти-ҳаракати ва сўзи (нутқи), одамлар билан ўзаро муомаласида аён бўлади [2]. Мана шу икки жиҳат фикрни тўлиқ ва мукаммал ифодалашга ёрдам беради. Фикрни гўзал ифодалаш-нутқ маданиятини эгаллашга боғлиқ. Бу масала билан одамлар жуда қадимдан қизиқиб келганлар.

Нутқ маданияти ва нотиқлик маҳорати қадимдан шаклланиб келган ижтимоий ҳодиса. Қадимги Юнон мамлакатида бу таълимот назарий жиҳатдан асосланди: эпос, шеърият, драма, мусиқа ва бошқа санъат намуналари қаторида риторика (сўзлаш маҳорати) юксак нутқий санъат намунаси ҳисобланган.

Марказий Осиё маданияти тарихида ҳам нутқ маданияти ва услубият муаммолари билан шуғулланиш қадимдан мавжуд бўлган ва ўзига хос хусусиятларга эгадир. Машхур туркийшунос Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида бу масалага оид баъзи мулоҳазалари, келтирилган лисоний далиллари, нутқ маданияти ва нутқ одоби масалалари жуда қадимдан ўртага қўйиб келингандигидан далолат беради.

Нутқ маданияти ифодасининг таниқли тадқиқотчиси Э.Бегматов бу ҳақида қўйидагиларни ёзади: «...Маҳмуд Кошғарийнинг машхур «Девони лугатит турк» асарида «куй сўзини тушуниб бўлмайди, қаттиқ тошни йиқитиб (синдириб) бўлмайди», «одам сўзнинг ширинлиги билан лаззатланса, унга асир бўлиб кетади», «Одобнинг боши тил» сингари афоризмларини учратиш мумкин» [3].

Нутқ одоби масаласи XI асрда яшаб ижод қилган хоразмлик буюк олим, аллома Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарийнинг «Навобиғ ул-калим» («Нозик иборалар») номли асарида ёритилгандир.

Чиройли ва бадиий савияда нутқ сўзлаш, мазмун моҳияти жиҳатидан қисқа, мазмундор нутқ одобини сақлаш ҳам бир санъатdir. Қадимда Шарқда нотиқлик санъати – воизлик деб аталган. «Ваъз» сўзи арабча тарғиб қилиш, панд-насиҳат деган маъноларни англаради, «воиз» сўзи эса ваъз айтувчи, нутқ сўзловчи шахс маъносини билдиради.

IX асргача Шарқда воизлик вазифасини халифалар, шоҳлар бажарганлар.

IX асрдан бошлаб давлат ҳукмдорлари бу тадбирни ўз ихтиёрларидағи маҳсус сўз усталарига юклаб, уларнинг исм-шарифларига “Воиз” сўзини қўшиб айтганлар.

XII асрдан бошлаб воизлик санъати назарияси ва амалиётини талқин ва тавсиф этадиган кўплаб илмий, тарихий, услубий рисолалар ёзилган. Булар қаторига Муҳаммад Рафиқ Воизнинг «Авбоб ул-инон», Воиз Қазвенийнинг

«Зилолу мақол» Воиз Ширвонийнинг «Аҳсан ул-аҳодис», Мухаммад Воизнинг «Ҳидоят ул-тақвим», Қурайш Сайдийнинг «Анис ул-воизин», Воиз Самарқандийнинг «Равзат ул-воизин», Қози Ўшийнинг «Мифтоқ ул-нажжих», Воиз Кошифийнинг «Даҳ Мажлис», «Маҳзан ул-иншо» каби асарлари киради. Шунингдек, тарихчи, шоир, мұхаддисларнинг асарларида ҳам воизлик санъатига алоқадор баъзи фикрлар баён этилган [4].

Нутқ маданияти, нотиқлик санъати масаласи билан сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳам жиддий шуғулланган. Алишер Навоий даврида ўзбек тили мавқеи, нотиқлик санъати анча юксак даражага қўтарилди. Алишер Навоий «Маҳбубул-қулуб» асарининг 24-бобини воизликка бағишилаган. Ушбу асарида Хўжа Муайяд Мехнагий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Иршод, Ҳотам Асом, Воиз Кошифий, Муин Воиз каби ўнлаб воизларнинг нутқ маҳоратлари ҳақида сўз юритилган.

Ўша даврда нотиқлик санъати ва унга яқин соҳалар билан шуғулланувчиларни «надимлар, қиссагўйлар, масалгўйлар, бади-ҳагўйлар, қироатхонлар, муаммогўйлар, воизлар, гўяндалар, маддоҳлар, қасидахонлар» деб юритилган [5].

Воизлик санъати асосан уч шаклда бўлган: дабирлик, хатиблиқ, музаккирлик. Дабирлик – давлат мақомидаги ёзишмаларни қироат билан ўқиш, хатиблиқ – хутба ўқиш, музаккирлик – жума кунларидағи, ҳайит ва бошқа тантаналардаги нутқлардан иборат бўлган.

Воизлик санъати тингловчиларнинг, воизларнинг ижтимоий-сиёсий мавқе ва лавозимларини ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳам учга ажратилган: султониёт –юқори табақа аъёнлари учун; жиҳодия-жангтоҳ иштирокчилари учун; ғарибона – оддий фуқароларга мўлжалланган нутқлар. Ҳар бирининг ёзилиши, ўқилиши, шунингдек, ваъз этилиш шартлари, усули ҳар хил бўлган.

Нутқ ва нутқ маданияти муаммолари билан илмий асосда жиддий шуғулланиш лозимлиги масаласи биринчи марта Прага лингвистик тўгараги вакиллари томонидан ўртага ташланди. Улар 1929 йилда Прагада бўлиб ўтган славистларнинг I сеъзи учун тайёрланган маҳсус тезислари ва кейинги асарларида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Прага лингвистик тўгарагининг нутқ маданияти ва адабий нормага оид илмий фикрлари Э.Бегматовнинг баъзи ишларида батафсил таҳлил қилинган. У ўз таҳлиллари туфайли шундай хуносага келган: «Адабий тил, адабий норма ва нутқ маданияти ҳақидаги Прага лингвистик тўгараги олдига сурган қарашлар барча ҳалқ адабий тиллари учун умумий қонуният дейиш мумкин. Ўз навбатида,

ушбу таълимот ўзбек адабий тили ва ўзбек нутқ маданиятининг ҳам бир қатор масалаларини илмий ҳал этишда дастур бўла олади...» [6].

Хозирги пайтда жаҳонинг турли мамлакатлари, жумладан, Америка, Англия, Япония, Германия каби давлатлардаги олимларнинг эътиборида нутқ маданияти ва нотиқлик алоҳида ўринда туради. Бунга Пол. Л.Сопер, Эдгар И.Уиллис, Д.Карнеги, М. Беркли-Ален, Крис Стюард, Майк Уилкинсон кабиларнинг ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин [7].

Бу масалани тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида ўрганишга рус тилшунослигига 20-30 йилларда киришилди.

1920 йилда Петроградда нотиқлик санъати ўкув маскани «Жонли сўз институти» ўз ишини бошлайди. Сал кейинроқ Москвада риторика курслари очилади, шунингдек, В.А.Артёмов, В.В.Виноградов, К.И.Чуковский, Л.В.Успенский, Д.Э. Розенталь ва бошқаларнинг бу муаммога оид қатор тадқиқотлари юзага келади. 60-70 йилларда қатор олимларнинг, жумладан, Е.А.Адамов, Л.П.Гроссман, А.И.Ефимов, А.Ф.Кони, А.Ф.Лосев, Е.А. Ножин, А.Спиркин, Е.М.Ярославский кабиларнинг нотиқлик санъатига ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан ёндошиш монографик тадқиқотларида баён этилади, бу муаммонинг долзарб масалага айланиб бораётганлигидан далолат беради [8]. Рус тилшуносларининг нутқ маданиятига оид тадқиқотлари Э.Бегматовнинг баъзи ишларида атрофлича таҳлил қилинган. Шу туфайли биз бу масалага ортиқча тўхталиб ўтирумаймиз.

Ўзбек тилшунослигига нутқ маданияти ҳамда нотиқлик муаммоллари билан жиддий шуғулланиш 1969 йилда Тошкентда ўтказилган 1 Республика анжуманида таъкидланди. Афсуски, ўзбек тили нутқ маданияти ва нотиқлик санъати, нотиқлик услубига оид ишларда уни назарий жиҳатдан ўрганишга жиддий эътибор берилган эмас. Ўзбек тилшуносларидан Э.Бегматов, С.Иномхўжаев, Л.Хўжаева, Т.Қудратов, Х.Жалилов, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиев, Б.Ўринбоев, А.Солиев, М.Мукаррамов ишларида нотиқликка оид баъзи изланишлар олиб борилган. Шунга қарамасдан, «нутқ маданияти ва нотиқлик, нотиқлик санъати тушунчалари орасидаги умунийлик ва фарқли томонларни тадқиқ қилиш, нотиқлик санъатида нутқий маданиятининг ўрни ва ролини белгилаш» долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди.

Нотиқликнинг лисоний-услубий хусусиятлари услубият фанининг ҳали тўлиқ назарий асосланмаган муаммоларидан бўлиб, нотиқликнинг лисоний-услубий амалиёти устида ҳали тугал бир қўлланма яратилмаган. Шу пайтгача ўзбек филологиясида нотиқликка санъат сифатида қаралиб, унинг ижтимоий йўналиши ўрганилиб, хусусиятлари лисоний аспектда ёритилмаган.

Нотиқлик санъатининг ўзига хос лисоний бирликлари, воситалари мавжудки, айнан, шу воситалар нотиқлик маҳоратини юзага келтиради. Нотиқлик санъатининг юзага келишида нотиқликнинг лисоний-услубий воситалари аҳамиятини исботлаш ҳозирги куннинг долзарб масалалариданdir.

Жонли сўзниг бекиёс қудратидан баҳраманд бўлиш ўзбек халқининг хислатларидан биридир. Нотиқлик – чиройли ва таъсирчан нутқ сўзлаш илми, бадиий етук сўзланган нутқ санъатидир. Нотиқлик нутқи далилий материалларга бой бўлиб, унинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Ўз фикрини исботлаш, яъни келтирилган далилларнинг тўғрилигини кўрсатиб бериш; 2. Тингловчиларга эстетик завқ бағишилаш; 3. Тингловчиларнинг онгига, қалбига, кайфиятига таъсир этиш, кишиларни фаолликка ундаш. Қайд этилганидек, жонли сўз, нотиқлик санъатига қадим замонлардан буён алоҳида эътибор бериб келинади. Ҳозирги вақтда эса бу соҳа кишиларига талаб каттадир. Нотиқ олдида ўз нутқининг сифатини яхшилаш ва такомиллаштириш вазифаси туради. Нутқнинг мувафақиятли чиқишида, нутқнинг шаклий томони ҳам катта аҳамиятга эга.

Нутқнинг таъсирчан бўлиши учун аниқ ва равshan талаффуз, тўғри, ўз ўрнида қўйилган тўхтамлар бўлиши шарт. Шунингдек, нутқ суръати, овоз кучи, нафас, тингловчилар билан изчил алоқа боғлай олиш, қўл ҳаракати ва шу каби нолисоний ва бошқа лисоний воситаларга ҳам алоҳида аҳамият бериш талаб қилинади.

Тил бойлигидан моҳирлик билан фойдаланиш, матн мазмунига мослаб қўллаш, уларни асосий мақсад ва вазифаларга бўйсундира олишнинг ўзи нутқ маданиятидир. Нотиқлик ўзида мантиқийлик, таъсирчанлик, образлилик, ҳиссийлик ва шу орқали ишонтирувчанлик каби хусусиятларни мужассамлаштиради.

Нотиқлик нутқида риторик савол-жавоблар, кўтаринки сўз ва сўз бирикмалари, бўёқдор сўзлар, хитоб қилиш, мурожаат этиш каби ва яна бошқа бир қатор усууллар қўлланади.

Тингловчи билан нотиқ ўртасида алоқа ўрнатилишида риторик савол усулининг қўлланиши аҳамиятлидир. Бу усульнинг қўлланиши тингловчиларни нутқ мавзуси устида ўйлашга, фикр юритишга ундейди. Масалан, риторик савол: «Ҳаётни ким севмайди?! Ундан ким завқланмайди-я?!» каби.

Нотиқлик - бу нутқий маҳорат, ноёб қобилият ҳам. Нутқий маҳоратни эгаллаш учун нотиқ, аввало, ўз олдига талаб қўяди ва шу талабларга риоя қиласди. Ҳар бир нотиқ ўз устида ишлаб, нутқий маҳоратини ошириб бориши шарт. Қадимги Римнинг машҳур нотиқларидан саналган Марк Туллий Цицерон шундай деган эди: «Киши шоир бўлиб туғилади, нотиқ бўлиб етишади».

Цицерон фикрича, нотиққа қўйиладиган талаблар қўйидагилардан иборат:

1. Нотиқ нутқ жараёнида дадил бўлиши, нутқ мавзусини чуқур билиши керак;
2. Нутқ тўла исботланиши керак;
3. Нутқ олди-қочди сўзлардан, аҳамиятсиз фикрлардан ҳоли бўлиши лозим;
4. Нутқ материалларини сидқидиллик билан тўплаш, бу материаллар ўз мавзуси билан тингловчиларда қизиқиш уйғотиши керак;
5. Манбаларни режа асосида жойлаштириш, тушунишга осон бўлишини таъминлаш лозим.

Нотиқ ўз тингловчисини топа олиши ва сўзига қаратса олиши керак, бунинг барчаси нотиқнинг айтиётган сўзига, юритаётган фикрига боғлик: «Беҳуда сўз айтмагилким, беҳуда сўз девоналарнинг сўзидир. Ҳар кишига гапирмоқчи бўлсанг, қарагилким, у сенинг сўзингнинг харидорими ё йўқми:.. эшиткувчига ёқадиган сўзни гапир, токи сенинг сўзингга харидор бўлсин».

Келтирилганлардан хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, нотиқлик нутқи луғавий, синтактик нуқсонлар, мантиқий мураккаблик ва чалкашликлардан ҳоли бўлган, ўзига хос талаффуз, оҳанг, риторик шакллар каби хусусиятларга эга, луғавий, грамматик, синтактик ҳамда нолисоний воситалар билан ифодаланадиган чин маънодаги нутқий камолатdir.

Ҳар қандай нутқ сўзлаган шахс – нотиқ ва улар нутқи нотиқлик санала бермайди. Нотиқлик санъати нутқий маҳорат бўлиб, нотиқнинг ноёб қобилият эгаси эканлигини номойиш қиласди. «Нотиқлик аввало чиройли гапиришдир. Аммо, нутқнинг фақат чиройли бўлиши ҳали етарли эмас, ҳар қандай беъмани сафсаталарни ҳам жуда чиройли қилиб гапириш мумкин. Бу эса нотиқлик эмас, вайсақилик саналади», - деб ёзадилар М.Содикова ва Ж.Жўраевалар [9].

Дарҳақиқат, нотиқнинг нутқи чиройли, жозибали бўлиши билан бир қаторда мазмунли, мантиқан кучли бўлиши ҳам лозим. Нотиқликнинг асл моҳиятини тушуниб етиш учун нотиқликни яратувчи воситаларни эгаллаш, нотиқлик нутқи маданиятидан хабардор бўлиш, нотиқликнинг мазмуний-функционал кўринишларини ва бу турларини яратувчи лисоний ва нолисоний воситаларини билиш мақсадга мувофиқдир. Бу масалалар ишимизнинг кейинги саҳифаларида батафсил ёритилгандир.

Бугунги кунда, Ўзбекистон дунёга, дунё халқлари Ўзбекистонга назар ташлаётган бир даврда нотиқлик санъати усувларининг ўрганилиши нақадар долзарб эканлигини кўрсатди. Хорижий давлатларга бораётган ўзбек дипломатлари, унинг бошқа вакиллари касбий маҳоратларидан ташқари нотиқликдан ҳам хабардор бўлсалар, бу ҳол уларнинг ўз фикрларини эркин ва дадил, ёрқин ифодалай олишларида қулайликлар яратади. Ўтмиш

воизларимизнинг ишларидан хабардор бўлиб, улар қўллаган усул ва воситаларни пухта эгалласак, халқимиз орасида маърифий-амалий ишларни олиб бориш ва миллий мафқўрамизнинг маънавий манбаларини тўғри белгилаб олишимизда ниҳоятда қўл келади.

Демак, хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, озод юртимизга эркин фикр юрита оладиган, маънавияти юксак нотиқлар, воизлар керак.

Нотиқликни мукаммал эгаллаган киши аҳоли билан эркин баҳслаша олади, сұхбат қуради, ўзбек адабий тили нутқ маданиятини мукаммал билади. Мадомики, биз йигирма биринчи асрга қадам қўйган эканмиз, «эркин фуқаро - онгли яшайдиган, мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур».

Қадимги юонон нотиги Горгий «Еленага бағишлов» асарида қўйидаги фикрларини баён этган: «...Сўз шундай ҳукмдорки, жуда кичик ва сезилмас танага эга бўлса ҳам, мўъжизавий қудратга эга. Бир сонияда қўркувни чақириб, хомушликни йўқотиши, ёинки, хурсандчиликни юзага келтириб, яна бир зумнинг ўзида ҳамдарликни ҳам уйғотиши мумкин».

Горгий фикрича, сўзнинг қудрати улуғ, бекиёсdir. Аммо сўз, нутқ устида доимо ишлаш керак, токи у қудратли бўлиб, оммага таъсир қила олсин. Шунинг учун ҳам нотиқлик катта меҳнатни талаб қиласди.

Сўзамоллик, нотиқлик моҳиятини тушуниб етиш учун қадимги риториклар, нотиқларнинг фараз-далиллари, изланишлари, қарашлари билан танишиш лозим. Афлотун, Арасту, Цицерон, Квинтилиан,

Лисий, Демосфен кабилар қадимий давр нотиқлигининг назариясини шакллантиришга ҳисса қўшдилар [10].

Қадимги Юнонистон ва Римда нотиқлик санъатининг равнақ топишида қулдорлик тузумининг ривожланиши, қулдорлик демократияси сабаб бўлди. Бу даврда давлатнинг ниҳоятда тарақкий этиши, ривожланиши ўз навбатида нотиқликни ҳам санъат даражасига қўтарди. Кишиларга нотиқлик санъатини, нутқ маданиятини эгаллаш шарт қилиб қўйилади. Ана шу эҳтиёж туфайли нотиқлик назарияси яратилади.

Энди ўша давр юонон нотиқларидан баъзиларининг фаолиятлари хусусида қисқача сўз юритамиз.

Лисий – ўтмишнинг улуғ нотиги (эр.олдинги V аср. охири IV аср бошлари. Милоддан олд. 459-380 й.й.), ҳикоячилик санъатининг моҳир усталаридан бири. Лисий логографлик касби билан пухта шуғулланган. Бизгача унинг 34 та нутқи етиб келган, аксарияти суд нутқларидан иборат.

Ўша даврда суд нотиқлиги жуда ривожланган эди. Суд нотиқлигининг ривожланишида Афина давлати суд тартиблари ҳам қучли таъсир этган. Чунки

ўша даврда чиқарилган қонунга кўра, афиналик фуқаро ўзини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эди. Кишиларнинг тақдирни яхши нутққа боғланганлиги туфайли «логографлар» деб аталувчи маҳсус касб эгалари пайдо бўлганлар. Улар судда кишилар сўзлаши учун маҳсус нутқлар ёзиб берганлар.

Лисий логограф сифатида нутқ ёзишдан аввал, судга иши тушган кишилар билан танишган, шунинг учун нутқлари дабдабали, жимжимадор сўзлардан ҳоли бўлиб, юракдан чиқаётган самимий гаплар, ўз ўрнида келтирилган далилий сўзлар билан ажralиб турарди. Цицерон Лисий нутқларини содда, лўнда, равшанлигини ҳисобга олиб:»... биз имкониятга қараб Лисийга, биринчи навбатда, унинг услуби соддалигига тақлид қиласиз», -деган эди.

Шундай қилиб, сўзнинг ташқи қўринишига зўр бермай, аксинча, ҳар бир одамни ўз тилида гапиртириш ва шу сўзи орқали табиати ва қиёфасини кўрсатишда Лисий мисли йўқ, логограф эди.

Қадимги Юнонистонда нотиқликнинг яна бир қўриниши-мақтов нотиқлиги мавжуд бўлиб, бунда кишилар мадҳ этиларди. Мақтов нотиқлигининг кўзга кўринган усталаридан бири- Демосфен (эр. олд. 384-322) эди. Нутқ, Демосфен учун, муайян сиёсий ниятларни амалга ошириш учун восита бўлиб хизмат қиласарди. Унинг 61 нутқ матни, 56 нутққа «кириш» ва бир нечта хатлари бизгача етиб келган.

Демосфен тингловчилар руҳиятини чукур ўрганар ва омма олдида нотиқликнинг қайси усули қўлланилиши лозимлигини яхши биларди.

Қадимги Юнонистон ва Римда асосан уч хил нотиқлик қўриниши фаолият кўрсатган: а) суд нотиқлиги; б) сиёсий нотиқлик; в) мақтов нотиқлиги. Бу давлатларда равнақ топган нотиқлик санъати ўрта аср ва кейинги давр нотиқлигига ўрнак бўлди.

Афлотун «Федр» диалогида моҳир нотиқларни санаб ўтади. Уларни «нутқ Дедаллари» деб атайди. Булар: Горгий ва Тиссий-нотиқликнинг истеъдодли сўзамоллари, Гиппий ва Продик - нутқда меъёрлиликка амал қиласиганлар; Эвен Паросский, Фрасемах Холкедонский, Критий ва Протагор - нутқда аниқликка интиувчан сўзамоллар. «Федр» асарида Афлотун нутқ тузилмаси (композицияси)нинг қўйидагича режасини кўрсатиб ўтади: кириш, матн баёни, далиллар ва уларни тасдиқловчи холоса.

Афлотун фикрича: «Нотиқлик билан шугулланмоқчи бўлган шахс, аввало, ўз услугини, талқин этиш йўлларини аниқлаб олиши, нотиқлик қўринишларини пухта эгаллаб, сўнг иш бошлиши лозим» дир.

Афлотун нотиқликни қобилият, маҳорат соҳиби эгаллаши мумкинлигини таъкидлаб, нотиқликка қўйиладиган энг асосий талаб - бу «эмоционал ишонтириши» эканлигини айтиб ўтади. У нотиқликнинг яна бир талаби -

«мантикий исбот»ни кейинги ўринга қўяди. «Исботлаш эмас, ишонтириш, ишонтирганда ҳам таъсирили ишонтириш керак», -дейди Афлотун.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Афлотун ҳам ўз навбатида, нотиқлик назариясининг яратилишида, ўзига хос ўринга эга.

Арасту (эр. олд.335 йил) томонидан «Риторика» асарининг яратилиши ҳам маданий, ҳам илмий-маърифий воқеа бўлди. Арастунинг бу асари уч китобдан иборат. Биринчи китобида риторика фанининг бошқа фанлар орасида ўрни ва нутқ турлари ҳақида сўз боради. Иккинчи китоби исботлаш усуллари ҳақида, учинчи китобида - услуб ва нутқ тузилмаси ҳақида сўз юритилади. Арасту нутқнинг уч турини ажратади: сухбат, суд ва эпидейктик мавзудаги турлар. Уларнинг мақсадлари қуидагича: сухбат мавзусидаги нутқларда-ишонтириш ёки инкор; суд нутқларида - оқлаш ёинки айблаш; эпидейктик нутқларда - мақташ ёки камчиликларни кўрсатиш кабилардан иборат. Нотиқ бу мавзуларни ўз нутқида ёритиши асосий талаб ҳисобланиб, ундан мақсад -тингловчиларни яхши хулқа чорлаш ва яхши одатларни эгаллашга ундаш эди. Бу каби хислатларни эгаллаган шахс давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта фойда кўрсатиши аниқ, деб ҳисобланар эди. Арасту ҳам нотиқлар эгаллаши зарур бўлган тамоиллар тизимини яратди [11]. Булар:

1. Нутқ хизмат қилиши лозим бўлган усуллар;
2. Нотиқнинг шахсий хусусияти ва маҳорати;
3. Нутқ техникаси ва унинг усуллари;
4. Материал танлаш;
5. Режа, шакл, материални жойлаштириш.

Афлотун ва Арасту каби юонон олимлари нотиқлик санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшдилар, нотиқлик назариясига асос солдилар. Қадимги Юнонистон ва Римнинг энг моҳир нотиқлари сўзнинг сир-синоатини, нотиқлик нутқининг ҳам амалий, ҳам назарий томонларини ўз изланиш ва таҳлилларида баён этганлар.

Корнелий Тацит (эр. 57-117) бизга нотиқлар хусусиятлари баён этилган «Нотиқлар ҳақида сўз» рисоласини ёзиб қолдирган. Ушбу рисолада ёзилишича, Горгий уч риторик унсурни биринчи бўлиб қўллаган. Булар: параллелизм, антитета, анафора. Фрасемах эса биринчи бўлиб, нотиқлик санъатида ритм масаласини кўриб чиққан. Пол ва Ликимий (Горгий шогирдлари) нотиқлик лексикаси масаласи билан шуғулланганлар.

Тарихчи ва сиёsatшунос Тацитни нотиқликнинг мазмун моҳиятини ўрганиш масаласи қизиқтирган.

Қадимги Рим нотиқлигининг яна бир истеъоддли намояндаси -Марк Туллий Цицерон (эр.олд. 106-43 й). Унинг нотиқликка бағишланган уч йирик рисолалари - «Нотиқ ҳақида», «Брут, ёки машхур нотиқлар ҳақида», «Нотиқ» кабилар,

нотиқлик санъатига қўшилган бебаҳо тухфадир. Цицерон нотик олдига икки шартни қўяди: биринчиси, нутқ мавзусини чуқур билишлик; иккинчиси, нутқ мазмунини англаш ва тингловчиларга етказиб бера олиш. Цицерон фикрича: «Нотиқлик - бу, аввало санъат, аммо санъатларнинг энг машақатлисиdir».

«Нотик ҳақида» рисоласида Цицерон нотикқа уч талаб қўяди, булар: 1). Ноёб қобилият, онг ва хотирали бўлиш; 2) нотиқлик назариясини пухта ўрганиш; 3) нутқий амалиёт. Цицерон рисолаларининг бирида шундай ёзади: «Сўзлай олишнинг ўзи-табиат инъом этган хусусиятларнинг энг бебаҳосидир; уни ривожлантириш, доимий устида ишлаш лозимдир».

Демак, нотик учун нутқий ифода асосий фазилатдир, лекин нутқнинг мазмунли бўлиши учун тинимсиз меҳнат - нутқни доимий равишда бойитиб бориш лозим.

Жонли сўз - нотиқлик санъатнинг мазмун моҳиятини ташкил этади.

Нутқ равон ва муваффакиятли бўлиши учун нотик нутқнинг ифодавий воситаларини эгаллаган бўлиши керак. Ифодавийлик эса аниқ ва равшан таллафуз, тўғри оҳанг, ўз ўрнида қўйилган тўхтам ва тингловчилар билан бўлган жонли мулоқотдир.

Ҳар бир нотик ўзининг нутқ услуби, ўзини тутиши билан яққол ажralиб туриши лозим. Яъни, ўзининг мустақил услубига эга бўлиши керак. Масалан, бир нотик таъсирчан сўзларни топиб гапириши билан, бошқа бири фикрини далиллар ёрдамида исботлаши билан, учинчи бир нотик эса ўзининг эмоционал талқини билан тингловчини ром этиши мумкин.

Таъсирчан сўзлар, далиллар ва эмоционал талқин - нотиқликнинг уч асосий белгиларидандир.

Ўтмиш нотиқларининг нотиқлик санъатига қўшган энг яхши намуналарини танқидий ўзлаштириб, уларнинг тажрибаларидан унумли фойдаланиш - нотиқлик маҳоратини эгалашнинг мухим йўли.

Воизлик-элимизнинг қон-қонига сингиб кетган санъат.

Ўтмиш Шарқ нотиқлигининг намояндаларидан Хўжа Муайяд Мехнагий, Мавлоно Риёзий, Муин Воиз, Қози Ўший, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замаҳшарий, Мавлоно Иршод, Хотам Асом ва бошқа шу каби фасихул каломлар воизликнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшдилар.

Шарқда, жумладан, Моварауннаҳр ҳудудида бадиий, илмий ижоднинг тараққиёти билан, шунингдек, ваъзхонлик, «Қуръон»ни тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш борасида қўп ишлар амалга оширилган ва маълумотлар тўпланган. Ваъзхонликнинг ўсуви натижасида нутқ олдига қўйилган талаблар мукаммаллашиб борди.

МУҲОКАМА

Буюк алломалар Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Кайвокус, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий кабилар тилга, луғатга, грамматика ва мантиқшуносликка бағишиланган асарлар ёздилар ва уларда бу мавзуга алоқадор фикрлар билдирилар.

Буюк қомусий олим Абурайхон Беруний (973-1048) ўзининг «Геодезия» асарининг кириш қисмида фанларнинг пайдо бўлиши ва тармоқланиб қўпайиши ҳақида сўз юритиб, инсон нутқи тузилиши қўплаб мунозараларга сабаб бўлишини, нутқнинг икки хил – наср ва назм қўриниши борлигини таъкидлайди.

Абу Наср Форобий (870-950) эса тўғри сўзлаш, мантиқий хулосалар чиқаришда, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти катта эканлигини «Илмлар таснифи» рисоласида ёритиб беради.

Форобий фикрича, фанлар ва умуман борлиқдаги билимлар, айнан, борлиқдан келиб чиқиб, инсоннинг уларга бўлган эҳтиёжининг ўсиб бориши ва борлиқни узоқ вақт ўрганиши натижасида, мутаассил ва изчил равишда далиллар тўплаб боради. Форобий тизимида, турли илмлар, бир-бирини инкор ва истисно этмайди, балки ўзаро борлиқ ва дунёни билишга ҳамда баҳт-саодатга эришишга хизмат қилувчи ягона ҳалқани ташкил этади.

Икки буюк олим Беруний ва Форобий қадимги юонон фалсафасига мурожаат этиб, бошқа фанларга оид асарларни таҳлил қилиб, фикр юритдилар ва ўз хулоса, изоҳларини ёзиб қолдирдилар.

Х-XI асрлар жаҳон маданияти тараққиётида, Туркистон ҳалқлари тарихида сермаҳсул давр бўлди. Хуросону Мовароуннаҳр, Хоразмда улкан сиёсий-маданий, ижтимоий-иқтисодий, маърифий ўзгаришлар юз бериб, илм-фан юксакка кўтарилиди. Туркистон илм-фанини ҳам бадиий, ҳам маънавий жиҳатдан безовчи ёрқин асарлар яратилди. Бу даврда бадиий нутқ юксак даражада ривожланган, унинг назарияси мукаммал ишланган эди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (вафоти 997.) «Мафотиҳ-ул-улум» (Илмлар калити) асарида ўша давр нутқ маданиятининг баъзи бир масалалари - девонхона иш қоғозлари, шакллари, ишлатиладиган истилоҳ (атамалар)лар, адабиётшунослик фани истилоҳлари, уларнинг таърифи ҳақида маълумот берган. Ушбу асарда ал-Хоразмий бадиий тасвир воситалари, уларнинг турлари ва фазилатлари ҳақида ҳам сўз юритади.

XI асрнинг яна бир ажойиб тухфаси – «Қобуснома». Ушбу нодир асарда ҳам нутқ одоби ва маданияти масаласига катта эътибор берилиб, ҳикматли сўз ва қимматли фикрлар билдирилганdir.

«Қобуснома» Кайковус томонидан 1082-1083 йилларда яратилган бўлиб, у 44 бобдан иборат. Кайковус ўз асарини ўғлига бағишлайди. Бу ҳақда у шундай ёzádi: «Писарам ман пир шудам». Асар ўз фарзандига насиҳат сифатида ёзилган бўлиб, уни ёқимли, ўринли сўзлашга, беҳуда гапирмасликка ундаиди. Асарнинг 6-7-боблари билим ошириш, сўз одоби, сухандонлик ҳақидадир:

«.. Билғилким, ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши, чунки, .. бошқа жониворлардан одам ўн даража ортиқдир ва бу афзаллик одамнинг баданида бордир; беши одам танасининг ташқи томонида зоҳир бўлади ва беши ичида яширгандир; шулар: бир нарсани ёд қилмоқ, ҳамиша эсада сақламоқ, ҳаёл қилиш (таҳайюл), фарқ қила билиш ва нутқ... Агар сенинг сўзлаган нутқингда фойдали бир нарсанинг ҳиди келиб турмаса, бундай сўзнинг айтилмагани маъқул. Билимдонлар деганлар: сўз бир майдир, ундан бош оғриғи (хумор) пайдо бўлур, сўз бош оғриғига дармон ҳам бўлади». Кайковус яхши ва мулојим сўзлашни ўрганиб, шуни одат килиб олишни ва тил билан дилнинг бир хил фикр юритишини насиҳат қиласди. Унинг фикрича: «Сўзни ўз жойида сўзла, жойида айтилмаган сўз, агар у яхши сўз бўлса ҳам ёмон кўринади», -дейди [12].

Инсоннинг одоб-ахлоқини белгилайдиган омиллардан бири унинг сўзи, нутқидир. Кайковус ўз асарида шуни таъкидлаб: «Эй фарзанд! Сўзнинг юз ва орқа томонини билғил, уларга риоя қилғил, сўзлаганингда маъноли гапир, бу нотиқликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканини билмассанг, қушга ўхшайсан, бундай қушни тўти дейдилар!», -деб уқтиради.

Кайковус кишини сухандон бўлиши лозим эканлигини таъкидлаб, нотиқнинг сўзи тушунарли ва қуруқ гап бўлиб қолмаслигини баён этади: «...шундай кишини нотиқ (сухангўй) деймизки, унинг ҳар сўзи халққа тушунарли бўлсин ва халқнинг ҳар сўзи унга ҳам маълум бўлсин. Сўзни жуда қимматли деб билгил, чунки сўз ҳар нарса эмасдир. Билган сўзингни ўз жойида ишлатгил...».

Нотиқ ҳар бир сўзини ўйлаб, шошмасдан фикр юритиши керак: «Ҳар ишда ўртача бўлгил. Ҳар сўзни айтишда ва ҳар бир ишни қилишда чидамли бўл ва шошишдан қочгил...» «Муаллиф билағонлик» қилиб, тилдаги сўзларни бузиб сўзламасликка, ҳамма вақт мавжуд тил меъёрларига амал қилишга чақиради: «Агар сўзни ва илмни яхши билсанг ҳам, ҳеч бир сўзни бузма, тўғри таърифла. Сўзни бир хил гапир».

Муаллиф нотиқни камтар бўлишга ундаиди, зеро камтарликдан камол топади: «Эй фарзанд, агар сен ҳар қанча нотиқ бўлсанг ҳам, ўзингни билганлардан пастроқ тутгил, токи сўз билимдонлиги вақтида

бекор бўлиб қолмағайсан, кўп бил-у оз сўзла, кам билсанг кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди».

Нотик бўлиш учун кўп билим олиш, фойдали сўзларни эшитиш, оғзаки фойдали сухбатда кўпроқ вақт ўтказиш лозим:

«Сўз эшитишдан қочма, киши сўз эшитиш билан нотик бўлади... Бола бирор одамнинг сўзини эшитмаса соқов бўлади. Вақт ўтиши билан сўз эшитса, ўрганса сўзга нотик бўлади».

Хуллас, «Қобуснома» асари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмагандир. Кайковус фақат нутқ сўзлашни эмас, балки бошқаларнинг сўзини тинглашни ҳам тавсия қиласди ва уларнинг нутқидан ибрат олишни таъкидлайди, шундай йўл билан яхши нотик бўлишни уқтиради.

«Қобуснома» ҳаётий ва амалий масалаларни ёритган асар. Бу муаммоларни ҳикоялар, мақоллар ва донишмандларнинг ҳикматли сўзлари билан исботлаган, илмий-маърифий аҳамиятга молик етук асарлардандир.

Нотиқлик фанинг ривожига ҳисса қўшган буюк алломалардан яна бири-Хоразмнинг Замаҳшар қишлоғида туғилиб ўсган олим Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замаҳшарийдир.

Аз-Замаҳшарий тилшунослик, луғатшунослик, услубият, адабиёт, фикх, ҳадис, тафсир, қироат, жуғрофияга оид «Ал-Қустос», «Асос ул-Балоға», «Самийм ул-арабия», «Муқаддимат ул-адаб», «Мақомот аз-Замаҳшарий», «Дийван ушшеър», «Ал-Кашшоф» каби эллиқдан ортиқ асарлар муаллифи бўлибгина қолмай, балки воизлик бобида ҳам ўз ўрнини эгаллаган, ўз даврининг чуқур билимдони ҳамда воизлик маҳоратига бағищланган «Навобиг ул-калим» деб номланувчи машҳур асарни яратган фозил инсондир.

Маҳмуд аз-Замаҳшарий мақтов нотиқлигига ўз ўрнини эгаллаган машҳур воизлардандир. У мадҳиялар битиб, уларни ўқиганида тингловчилар таъсиrlаниб кетардилар. Замаҳшарий битган мадҳиялар мазмунан баркамол бўлиб, уларда ҳукмдорларнинг инсоний фазилатларини очиб берувчи воқеалар баён этилган. Мадҳияларни Мавлоно аз-Замаҳшарий асосан, саёҳатда бўлган ўлка ҳукмдорларига бағищлаб ёзар эди. Масалан, «Муқаддимат ул-адаб» деб номланган асарида Хоразмшоҳ Отсизнинг (у 521-551 хижрий й.да ҳукм юритган) илм аҳлларига ва адибларга нисбатан кўрсатган ғамхўрлигини қўрсатиб берувчи мадҳия келтирилган.

Ўша давр тарихчиси Ибн ал-Кифтий Замаҳшарийнинг истеъодини таърифлаб: «... аз-Замаҳшарий илм ул-адаб, наҳв ва луғат бобида ўзгаларга мисол бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашган. Тафсир, ҳадис, наҳв ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлари бордир. У ўз асарида араб тилида ижод қилган ажамлилар (ғайри араблар) орасида энг буюгидир», -деб шундай фикр билдирган.

Аз-Замаҳшарий ўзига нисбатан ўта талабчан бўлган ва катта масъулият ҳис қилган. Бошқаларни ҳам шундай хислат эгалари бўлишга унданган. У бирор иш қилганда шошмасликни ва нутқ сўзлаганда қисқа, аммо мазмундор сўзлашни тавсия қилган: «Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганингда ҳеч бир ошиқма, ҳар томонлама ўйлаб, обдон, фикрлаб иш тутгин», «Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитар».

Мавлоно Замаҳшарий улкан олим, маърифат ва илм соҳибидир. У ўз сухбатдошига оддий бир tengkүr сифатида бўлишликни маслаҳат беради. Умумлаштириб шуни айтишимиз мумкинки, Мавлоно аз-Замаҳшарий меросини ўрганиш бизнинг мақаддас бурчимиздир.

Сўз қадри, тўғри, равshan фикр юритиш, нутқ одоби хақида XII-XIII аср мутафаккирлари Юсуф Хос Ҳожиб Аҳмад Юғнакийлар ибратли фикрлар билдирганлар.

Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» («Бахт келтирувчи билим») асарида сўзларни тўғри танлаш, қисқа сўзлаш, сўзларга маъно юклаш, сўзларни ўз ўрнида қўллаш ҳақида:

Билиб сўзласа сўз билиг саналур.

Оғуш сўзлама сўз бирар сўзла аз,

Туман сўз тугунин бу бир сўзла ёз...,

деб ёзган эди [13].

Аҳмад Юғнакий ҳам нутқни ўйлаб, шошмасдан сўзлашга, тўғри фикр юритишга, кейин ҳижолат бўлмаслик учун ўқуб сўзлашга ундейди:

Уқуб сўзла сўзни эва сўзлама,

Сўзинг кизла, кедин, бошинг кизлама.

Халқимиз ичидан Мавлоно Муин Воиз, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Мехнагий, Хотам Асом, Мавлоно Иршод, Қози Ўший каби бир қатор истеъодод соҳиблари, баркамол воизлар етишиб чиққан.

Бу ажойиб сўзамол воизлар ҳақида Алишер Навоийнинг «Маҳбуул қулуб» асарининг 24 бобида сўз боради. Воизликка бағишланган ушбу бобда муаллиф сўзамолларга юксак баҳо беради. У сўз юритган воизларнинг кўпчилиги замондошлари бўлишган. Навоийга воизлик нутқидаги чуқур таъсирчанлик жуда ёқарди ва бу ҳақдаги фикрларни асарида учратишимиз мумкин. Алишер Навоий ўз асарида тилга олган машҳур воизлардан бири - Хўжа Муайяд Мехнагий. Мехнагий катта билим эгаси, истеъододли воиз, воизликни такомиллаштириб борган сухандонлардан. Унинг нутқлари жўшқинлиги, таъсирчанлиги, тингловчилар эътиборини ўзига қаратади билан ажралиб турган.

Навоий Шарқнинг етук воизларидан яна бир вакили – Мавлоно Риёзийнинг воизлик маҳоратини юқори даражага кўтариб, моҳир нотиқнинг чуқур билим

соҳиби, ажойиб нуқтадон эканлигини таъкидлайди. Зова вилоятининг қозиси бўлмиш Риёзий ёш воизлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшган. У дунёвий фанларни чукур ўзлаштирган ва билимларини воизлик фаолиятида кўллаган. Унинг воизлик маҳорати муаллимлик қилганида мустаҳкамланиб боргандир.

Кўпчилик воизлар ўзларига нисбатан талабчан бўлганлар. Ана шундай воизлардан саналган Хотам Асом ҳақидаги бир воқеа эътиборга лойиқdir. Муҳаммад Маждийнинг «Зийнатул мажолис» асарида баён этилишича, Хотам Асомдан воизлик қилишни илтимос қилганларида у ўз олдига бир шарт қўйган экан. Ушбу шарт антиқа бўлиб, яъни чўлдаги ёввойи қушларнинг олдига бориш ва уларга нутқ сўзлаш, агар учиб кетмасалар, ана шундагина ушбу лавозимга рози бўлишини айтган экан. Ҳалойиқ бунинг сабабини сўраганида, Хотам Асом шундай жавоб берган экан: «Ёввойи қушларни ўзига ром эта олмаган нотик инсоннинг кўнглини юмшата олмайди». Хотам Асом уч йил уриниб, тинимсиз мутолаа ва амалиётдан сўнг чўлдаги қушларни ўзига қаратса олган ҳамда шундан сўнг «шаҳар воизи» лавозимига рози бўлган экан.

Бундан шу нарса аёнки, воизлик кучли ирода, матонат, қатъий талабчанлик каби хусусиятларни ўзида мужассамлаштиради.

Воизлик - бу ноёб қобилият ва маҳорат. Ана шундай хислатларнинг соҳиби Мавлоно Иршод бўлган. Мавлоно Иршод нутқий маҳорат соҳиби бўлиши билан бир қаторда элнинг тинчлигини ҳам ўйлаган воизлардандир. Мавлоно Иршод расмий ишларни моҳирлик билан ҳал қиласа, нутқ сўзлаганида ҳалойиқнинг қўзида ёшни чақиритира олар ва шу вақтнинг ўзидаёқ, нутқида кескин бурилиш ясад, йигини қаҳ-қаҳага айлантира оладиган сўзамоллардандир.

Бу қадар кучли таъсир эта олиш учун аввало, нотик чукур билим соҳиби бўлиши, нотиклик маҳорати ва усулини эгаллаши, тингловчиларнинг руҳиятини яхши билиши керак.

Мавлоно Муин Воиз ҳақидаги маълумотлар ҳам Навоий асарида батафсил берилган. Муин Воиз Ҳиротнинг энг забардаст воизларидан бўлган. Муин Воиз сўз устаси эмас, сўз усталарининг устози бўлган. У эҳтиросли сўзамол. Муин Воиз бутун гавда ва қўл ҳаракати, юз, имо-ишора каби нотиклик услубининг экстралингвистик воситаларидан ҳам унумли фойдаланган. У нотикликни шундай эгаллаган эдики, ўз тингловчиларини гўё сехрлагандек бўларди. Бундай хислатлар унинг маҳорати ошишига асос бўлган.

Муин Воиз ўз даврининг ажойиб сўз устаси, истеъодли нотик, вазъ талқинида тингловчиларни лол қолдира олган эҳтиросли инсон мисолида гавдаланади [14].

Нотиклик масалалари билан жиддий шуғулланган воизлардан яна бир вакили – Жалолиддин Румийдир.

Жалолиддин Румий асли хоразмшохийлар авлодидан бўлиб, тақдир тақозоси билан Туркияда яшаган ва ўша ерда расмий нотик вазифасини ўтаган. Унинг «Маънодор маснавийлар» номли асари нотиқлик масаласига бағишиланади. Ушбу асар олти бобдан иборат бўлиб, ўз ичига 50 минг байтни киритади. Асарда нотиқликнинг энг қадимги кўринишларидан – надимлик санъати ҳақида сўз юритилгандир.

Румий ушбу асарида нотик олдига қўйидаги талабларни қўяди: –нотик билан тингловчилар ўртасида узвий ҳамнафаслик ва ҳамкорликнинг зарурлиги;

-нотик самимий ва жўшқин бўлиши лозим;

-нотик ўзига нисбатан талабчан бўлиши лозим.

Румий каби нотиқлик санъати ривожига ўзининг ҳиссасини қўшган ўз даврининг чуқур билимдонларидан яна бири-асли фарғоналик Қози Ўшийдир. У Ўш шаҳрида қозилик лавозимини ўтаган ва шу ернинг номини ўзига тахаллус қилиб олгандир.

Қози Ўший воизликка бағишиланган «Сўзниңг қалити» асарини ёзган. Ушбу рисолада воизликнинг кўринишлари, усуслари ҳақида фикр юритилади.

Қози Ўший оташин нутқ соҳиби. У кўнгил қулфини сўз қалити билан оча олган моҳир сўзамоллардан. С.Иномхўжаевнинг «Ўтмиш шарқ нотиқлиги» китобида Ўшнийнинг шу хислатини очиб берувчи бир воқеа келтирилган: Қози Ўший тақдир тақозоси билан Эронинг жанубида жойлашган Сиистон вилоятига боради. Бу ернинг аҳолиси зиқналиги, ҳатто гадойга бир тишлам нон бермаслиги, қаттиқ қўллиги билан донғи чиққан эдики, Қози Ўшнийнинг биргина оташин нутқидан сўнг Сиистон халқи топган тутганини воизнинг оёғи остига келтириб ташлайди. Лёкин Қози Ўший келтирилган нарсаларнинг бир донасини ҳам олмайди. У воизлиги учун пул олмаслигини айтади. Нутқини эса шу ерлик аҳолининг «кўнгил» қулфини очиш учун сўзланганини, ёнида турган биродарига нисбатан доимо меҳр-оқибатли бўлишликнинг савоби катта эканлигини айтиб, кетишига ижозат сўрайди.

Келтирилган воқеадан шу нарса маълум бўладики, ўтмиш воизлари инсонлар ўртасида ҳам илмий, ҳам маърифий, ҳам маънавий жиҳатдан аҳамиятли бўлганлар. Олижаноблик, меҳр-оқибат, яхшилик каби хислатларни кишилар онгига сингдириш, улар қалбида чуқур хиссиётлар уйғота олиш фақат моҳир, ноёб истеъод соҳибининг қўлидан келади.

Алишер Навоийнинг нотиқлар ҳақида ёзиб қолдирган маълумотлари шоирнинг нима сабабдан воизлар билан қизиқсанлиги, улар фаолиятини ўрганишга нима сабаб деган саволларни ўртага ташлайди.

Алишер Навоийнинг ўзи ҳам даврининг моҳир сўзамоли, забардаст шоири, етук суҳандонларидан биридир. Нотиқлик масаласи билан қизиқиши унинг

нихоятда чукур билим эгаси эканлигини, ўз билимини турли дунёвий илмларни ўрганиб ошириб борганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, бирор масалани ўрганишдан олдин, шу масала юзасидан назарий билимларга эга бўлиш уни тўғри ҳал қила олишни билдиради.

Алишер Навоий ҳам воизликни назарий томондан таҳлил қилган. Шоир бадиий сўз билан шуғулланувчиларни надимлар, қиссагўйлар, масалгўйлар, бадиҳагўйлар, қироатхонлар, муаммолигўйлар, воизлар, гўяндалар, маддоҳлар, қасидахонларга ажратади.

Навоийнинг фикрича, улар кучли, ёқимтой ва жозибали овозга эга бўлишлари керак. Кўпчилик олдида эҳтиосли нутқ сўзлай олиш усусларини яхши билишлари, ўз сўзларига, нутқларига эътиборни қаратади олишлари керак. Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва нотиқликка оид мулоҳазалари унинг тил, нутқ, бадиий сўз, нутқ маданияти, нутқий одоб, нутқий нафосат ҳақидаги теран фикрларида ўз ифодасини топган. Проф. Эрнст Бегматов фикрича, шоирнинг нутқ одобига оид талқинларида:

- 1) нутқ, унинг оғзаки ва битилган (ёзма) шакли;
- 2) нутқий фаолиятнинг моҳир усталари;
- 3) нутқнинг юзага чиқиши усуслари;
- 4) нутқий услублар;
- 5) нутқда маъно ва шакл, уларнинг уйғунлиги;
- 6) нутқий оҳанг; унинг қўринишлари;
- 7) нутқ одоби;
- 8) нутқ нафосати (эстетикаси), каби муаммолар тилга олинган.

Ушбу муаллифнинг қайд қилишича, А.Навоий нотиқларни уларнинг нутқий камолоти ва нотиқлик мақсадидан келиб чиқсан ҳолда иккига – ижобий сифатга эга нотиқлар, ҳамда салбий сифатга эга нотиқларга ажратган. Адаб ижобий сифатли нотиқларни балоғат шиор, булағо, гуҳарпош, дурбор, нуқтадон, сехрсўз, хушгўй, шакарлаб каби 80 дан ортиқ ибора билан таърифлаган.

Ўтмишда яшаган истеъодли воизларимиз ижодини ўрганиш ҳозирги кун учун ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Нутқ маданияти тарихида ўзбек ҳарбий нотиқлиги ўз ўрнига эга. Шарқда ҳарбий нотиқликка жиддий эътибор берилган. Бунга Амир Темур ва Бобур нотиқлиги мисол бўла олади. Темур - қатъиятли жаҳонгир. Унинг шу хислати ҳарбий юришларида қўл келган ва бутун бошли лашкар армияси олдида нутқ сўзлаб, уларни жангга шайлантира олгандир [15].

Мана неча асрлардан буён «Темур тузуклари» ўз тингловчисини топиб келмоқда, ундаги ҳикматлар эса ҳам маънавий, ҳам маданий камолотта эришишда ёрдам воситасини бажараётган етук асарлардан биридир:

«...ҳар ким ўз сўзига эга бўлсин, ишини билиб ўзи қилсин, яъни раият подшоси айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади...»

Амир Темур нутқи ваъзхонликнинг ёрқин намунасиdir. Бу хислатлари «Туркларнинг «Олтин китоби» асарида ўз ифодасини топган. Темур маслаҳат билан иш қўриш тарафдори, зеро, халқимизда «маслаҳатли ош тарқамас» деган нақл бежиз айтилмаган:

«Маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик-эҳтиёткорлик биланғаним қўшиларини енгдим».

Амир Темур қисқа ифодада кўп фикр айта билиш маҳоратига эга бўлган. Бу эса нотиқликнинг асосий белгиларидан биридир.

Темур нутқи теранлиги билан ажралиб туради. Нотиқнинг фикри ва зеҳни нечоғлик теран бўлса, унинг нутқи шунчалик ихчам ва мазмунли бўлади:

“Ўғилларим, миллатнинг роҳати, саодатини сақламоқ учун сизларга қолдираётган васият ва тузукларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг. Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Адолат ва ийилик (яхшилик) қилмоқ дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен каби узун салтанат сурмоқ истасангиз қиличларингизни яхши ўйлаб чёкингиз. Бир дафъа чёкидан сўнгра-да, уни усталик-ла қўллангиз”.

Соҳибкирон нутқи ортиқчалик, бефойда сўз, қайтариқлардан ҳоли. У сўзлаганида шароитни, сухбатдошини ҳисобга олиб беўрин сўз айтмайди: “... Мамлакат ва миллатнинг осойишталиги, қўшин салоҳиятининг мукаммаллиги, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар қўринг. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байъат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойишталиги учун ҳамжиҳат бўлиб, қўмаклашиш лозим. Сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қилган ишларингиз узоқ-яқиндаги дўст-душманларга қўриниб турсин. Токим ўзаро низоларга ўрин қолмагай, ҳеч ким салтанатга қарши исён кўтаришга ўзида жасорат топмагай. Билакс ўзаро низолар вужудга келгай, раият бошига ташвиш ва надоматлар ортиб, мамлакат ободонлиги барҳам топгай. Инчунун, менинг кўп йиллик саъй-ҳаракатларим зое кетгай...”

Яхши нутқ эгаси - уқувли, қатъиятли, ўзига ишонган бўлиши даркор, чунки ваъзхонлик - куч. Воиз бўлиш учун, сўзнинг қудрати ва сехрини эгалаш лозим. Амир Темурнинг қудрати, аввало, унинг донишманд фикрларида, маслаҳатли кенгашлардаги сўзланган нутқларида намоёндир, чунки XIV асрда марказлашган феодал давлатни тузиш, улкан қўшинга саркардалик қилиш учун ҳар тарафлама билимдон, қатъиятли, воиз-шахс бўлиш лозим эди.

Ўзбек нутқи тарихида алоҳида ўрин тутадиганлардан яна бир вакили - Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобур XVI аср ўзбек адабиётининг йирик вакили.

У инсоният тарихида муқаррар ўз ўрнига эга буюк давлат арбоби ва истеъододли ёзувчи сифатида эътироф этилган ажойиб сиймодир. Бу ерда Жавоҳарлал Нерунинг қуидаги ажойиб фикрини келтириб ўтиш кифоя: “Бобур дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди...” [16]

НАТИЖА

“Бобурнома” - ёзма нутқнинг гўзал намунаси. Бу асар ниҳоятда гўзал тавсифларга бой бўлиб, унда қайд этилишича ва айни пайтда авлодлари, замондошлари, тарихчиларнинг таъкидлашича, Бобур моҳир шоир. Ҳиндистон юрти учун жуда кўп улуг ишлар қилган одил, маърифатли, илғор, суҳандон шоҳ сифатида тарихда абадий қолди.

Ҳарбий қисмларда бадиий сўзнинг аҳамияти катта. Жанговарлик санъатида бадиий сўзнинг таъсир қурдатини кўрсатиб берувчи қатор жонли далиллар бор.

Сўз қурдати бекиёсдир. Замбараклар олишга қурби етмаган истеҳкомларни оддий сўз таслим этган воқеалар тарихимизда кўп бўлган.

Жумладан, бир воқеани келтириш жоизки, бунда Бобурнинг нутқий маҳорати лашкарлар орасида бошланган тарқоқликни тўхтатди: Бобурнинг ҳиндистонда Рано Санго билан жанги олдидан (1527 й.) қўшинлари орасида баъзи бир номақбул сабабларга кўра тарқоқлик бошланади. Бу аҳволни қўрган Бобур лашкарлари олдида нутқ сўзлайди. Гулбаданбегимнинг маълумотига кўра, “бунга мажлисдагиларнинг ҳаммаси рози бўлишиб..., томиримизда бир томчи қонимиз қолгунча қўрашамиз, деб қасам ичадилар...” деган далил келтирилган: “Ҳар кимки ҳаёт мажлисига киритбур, оқибат ажал паймонасидин ичкусиdir ва ҳар кишиким, тириклик манзилига киритбур, охир дунё ғамхонасидин кечкусиdur, ёмон от билан тирилгандин, яхши от билан ўлган яхшироқ... Тангри таоло бу навъ саодатни бизга насиб қилитбур ва мундок давлатни бизга қарийиб айлабтур. Ўлган шаҳид ва ўлдурғон ғозий, барча Тангрининг каломи билан онт ичмак керакким, ҳеч ким бу қатолдин юз ёндирур хаёл қилмай, то бадандин жони айрилмағунича, бу муҳориба ва муқотиладин айрилмағай...” [17]

Кўриниб турибдики, Бобурнинг ушбу оташин нутқидан сўнг барча аскарлар жангга отланишган ва бир жон-бир тан бўлиб жанг қилишган. Бобурнинг нотиқлик маҳорати кўл келиб, у бутун бошли лашкар қўшинини жангга шайллантира олган[18].

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо нотиқлик санъатини мукаммал эгаллаган бўлиб, у нафақат ҳарбий нотиқлиқда, балки умуман воизлик санъатида юқори чўққига эришган маҳорат соҳибидир.

Бобур-истеъдодли, моҳир воиздир. Унинг асарларида сўз одоби, гўзал нутқ ҳақида эътиборга лойиқ фикрлар билдирилган. Шоир кишининг ахлоқ одобини сўзидан белгилаш мумкинлигини таъкидлаб:

Сўзингким ҳизр суйидин нишондур,
Вале ул сув киби мендин нишондур.
Ҳар вақтке кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни уқуб англагайсен ўзумни,

дейди. Муаллиф фикрича, яхши сўз билан, ўз ўрнида билдирилган фикр билан, “...ўзни ёндоштуруб ўзинг бирла, сўзни чирмаштуруб сўзунг бирла...”; ўзгани ўзингга “ёндоштиришинг” мумкин. Халқ эътиборини ўзига қаратса билиш фақат нотиқ, воиз одамгагина хос[19].

ХУЛОСА

Хуллас, “инсонлик нишони сўзламоқ” экан, киши шундай сўзласинки, тингловчи қалбида эҳтиром ва эътиборни уйғотсин. Инсон нотиқ, бўлиши учун кўп йиллик меҳнат, ўқиш ва изланиш талаб қилинади. Моҳир нотиқ ўз маърузаси жараёнида тингловчиларни жозиба ришталари билан боғлаб олади, у айтган фикр ва мулоҳазалар тингловчи кечинмасига айланади[20].

Юқорида қайд этиб ўтилган Шарқнинг буюк мутафаккирлари ана шундай моҳир воизлардан эдики, улар ёзиб кетган фикрлар неча асрлардан буён авлодлар кечинмаларига айланиб келмоқда, яна янги воизу сўзамолларнинг етишиб чиқишида, уларнинг асарлари дарслик бўлиб хизмат қилмоқда.

REFERENCES

- [1]. Арипова А. Нотиқлик нутқининг лисоний-услубий воситалари. Филол.фан.номз.дис. – Тошкент, 2002.
- [2]. Aripova, A., Khodjayeva, K., & Yuldasheva, N. (2020). METHODS, ASPECTS AND COMPONENTS OF TEACHING THE UZBEK (RUSSIAN) LANGUAGE AS A FOREIGN LANGUAGE ON THE EXPERIENCE OF FOREIGN STUDENTS. *Journal of Critical Reviews*, 7(4), 393-398.
- [3]. Уватов У. Донолардан сабоқлар.-Т., А.Қодирий номли халқ мероси нашр., 1994, 34-б.
- [4]. Ортиқов А. ва б. Олий мактаб педагогининг нутқ маданияти. –Т.:ИИБ Академияси, 2001 й, 5-бет.
- [5]. Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши.- Т.: Фан, 1973.
- [6]. Арипова А. Нотиқлик ва унинг лисоний-услубий воситалари. – Тошкент: ЖИДУ, 2007. – Б.58-69.

- [7]. Д.Карнеги. Как вырабатывать уверенность в себе и влиять на людей, выступая публично.-Т.: Шарқ, 1992; Пол Л.Сопер. Основы искусства речи. –М.: Яхтсмен, 1995; Апресян Г. Ораторское искусство.-М.: МГУ, 1977. -С.63.
- [8]. Адамов. Е.А. Выдающиеся ораторы древ. мира. -М., 1961; Гроссман Л. Об искусстве лектора. -М., 1970; Ефимов А.О. культуре речи. -М., 1956; Кони А. Избр. произв. -М., 1959; Лосев А. Ораторск. иск. 1965; Ножин Е. Основы ораторского искусства. -М.,1973;
- [9]. Лосев. Значение ораторского слова.-М.: Политиздат., 1969. – С. 29.
- [10]. Aripova, A. K., & Khodjayeva, K. S. (2020). The ideal appearance of a modern teacher. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1816-1821.
- [11]. Арипова А. Нотиқлик нутқининг лисоний-услубий воситалари. Филол.фан.номз.дис. – Тошкент, 2002.
- [12]. Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши.- Т.: Фан, 1973.
- [13]. Арипова А. Нотиқлик ва унинг лисоний-услубий воситалари. – Тошкент: ЖИДУ, 2007. – Б.78-82.
- [14]. «Осиё халқларининг ҳаётида муҳим из қолдирган шоҳ ва шоир Захириддин Мухаммад Бобур меросини ўрганиш»// Aziza Khasanova Aripova// Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность // Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференции 28 февраля 2020 г. Москва 2020
- [15]. Уватов У. Доңолардан сабоқлар.-Т., АҚодирий номли халқ мероси нашр., 1994, 34-б.
- [16]. Э.Уиллис. Основы радиовещания. -Нью-йорк, 1951; М.Беркли-Ален. Забытое искусство слушать, 1997.; Крис Стюард, Майк Уилкинсон. Блеф-серия. –Санкт-Петербург: 2001
- [17]. Арипова, А. (2007). Нотиқлик ва унинг лисоний-услубий воситалари. Тошкент, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети.
- [18]. Khasanova, A. A. (2021). The Live Word Is An Important Tool That Constitutes The Content-Essence Of The Oratory Art. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 417-434.
- [19]. Khasanova, A. A. (2021). The Live Word Is An Important Tool That Constitutes The Content-Essence Of The Oratory Art. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(02), 417-434.
- [20]. Aripova, A. K. (2020). Ancient Uzbek Tribes And Clans Inhabiting In Central Asia. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(09), 384-394.